

## **Профилактика инспекторининг маъмурий худудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти, унинг асосий йўналиш, тактикаси ва усууллари**

*ИИВ Академияси 3-босқич курсанти*

*Жамолддинов Нуриддин Зокиржон ўғли*

**Аннотация.** Уибу мақолада Профилактика инспекторининг маъмурий худудда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти тўғрисида фикр юритилган ҳамда уибу фаолият юзасидан кўплаб тушиунчаларга таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий асослари, зўравонлик, эътиқод қилиши, тинтув ўтказиши, тажсовуз, норматив-ҳуқуқий ҳужжат.

Мазкур мавзуда Профилактика инспекторининг маъмурий худудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолияти таҳлил қилинади.

Маълумки, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ, биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирмас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади<sup>1</sup>. Ҳукуқбузарликлар профилактикасида якка профилактик фаолият ўзи ҳам муайян ҳуқуқий асослар замирида ташкил этилади, қонунга асосланмаган ҳар қандай фаолият нафақат ҳуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалдаги ҳуқуқ-тартиботни таназзулга олиб келади.

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сонли Фармони. : <http://www.lex.uz>

қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдек юксак мақсадларга эришиш учун истиқлол йилларида ички ишлар органлари тизимини чукур ислоҳ қилиш бўйича кенг қўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилишининг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди. Шу жумладан, профилактика хизматлари тизимларидағи ислоҳотлар уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириб, бугунги кунда янгича ёндошув асосида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши йўлга қўйилган. Мазкур вазифаларни бажаришда профилактика хизматларининг профилактик фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутувчи ички ишлар органлари таянч пунктларининг ташкил этилганлиги катта имкониятлар яратди. Ҳозирда ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторлари, ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан якка тартибда яъни, индивидуал ёндошишда самарали ишларни олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки янада аниқлаштирилди. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: ҳуқуқбузарликлар профилактикасиға доир давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун хужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади; тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетиши ҳисобга олинишини ташкил этишда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органларга кўмаклашади. Улар рўйхатдан ўтказилмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлигига бўлган хуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбурлаб сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади. Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ишлар органлари профилактика хизмати билан ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу органлар профилактика инспектори билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга оширади; яраштириш комиссиялари ва бошқа комиссияларни тузади; хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (10 апрель 2017 й.) фармони ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Жумладан, халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимли мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама қўмаклашиш ҳам ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисидаги қонуни// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2014. № 20, 221-модда.

Худди шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш, аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларда қонунга ҳурмат, қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик туйғусини сингдириш йўли билан ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва олди олинишини таъминлаш; вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш ҳам бевосита ўзини-ўзи бошқариш органларининг иштироки билан амалга ошади<sup>3</sup>.

Шу ўринда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда ишлаётгани муайян даражада ўзининг самарасини бераётганини айтиб ўтиш жоиз. Буни биргина 2017 йилда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи ўтган 2016 йилга нисбатан 15,7 фоизга камайишига эришилгани, республиканинг 1200 га яқин қишлоқ, овул, қўрғон ва маҳаллаларида бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмаганида кўриш мумкин<sup>4</sup>.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сонли Фармони

---

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (10 апрель 2017 й.) фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. № \_\_, \_\_ - модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг [150] «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон (2017 йил 7 июль) фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2017. — № 6. — 70-м.

2. Ўзбекистон Республикасининг Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисидаги қонуни.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (10 апрель 2017 й.) фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон (2017 йил 7 июль) фармони.